

2026 йил учун бюджет дастурларида (мақсадли индикаторларида) белгиланган кўрсаткичларга ўз вақтида ва сифатли эришиш мақсадида юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва бошқа хавфлар рўйхати ва уларни барвақт бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (I чорак якуни бўйича)

T/p	Молиявий ва бошқа хавфлар рўйхати	Молиявий ва бошқа хавфларни бартараф этиш чоралари	Кутилаётган натижа	Масъул бошқарма ва ташкилотлар	Амалга оширилган ишлар
1.	Вазирлик тизимида бўлган насос станциялардаги эскирган насосларни замонавий энергия тежамкорларга алмаштириш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 4-иловасига асосан 156 та замонавий энергия тежамкор насосларга алмаштириш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.	1. Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан харид қилинадиган 156 та насосни белгиланган тартибда электрон савдо платформаларига жойлаштириш. 2. Электрон савдо платформалари орқали насосларни етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш ва улар томонидан насосларни ташкилотларга етказиб берилишини таъминлаш. 3. Харид қилинган насосларни белгиланган тартибда ўрнатиш ишларини амалга ошириш.	Ташкилотлар томонидан янги насослар ўрнатилиши натижасида электр энергияси иқтисод қилинади ҳамда экин майдонларга сув етказиб бериш сифати яхшиланади.	Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ишчи гуруҳи	Худудий Насос стансийлари ва энергетика босқажқармалари ҳамда АБМК ФБ, ҚМК ФБ ва Жиззах БНС бошқармалари томонидан маънан эскирган насосларни янгиларига алмаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бошқармалар томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида насос қурилмалари электрон савдо платформасидан харид қилиниб 31 та насос белгиланган тартибда насос станцияларга ўрнатилган.
2.	Вазирлик тизимида бўлган насос станциялардаги эскирган электродвигателларини янги замонавий электродвигателларга алмаштириш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 5-иловасига асосан 149 та янги замонавий электродвигателларга алмаштириш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.	1. Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан харид қилинадиган 149 та электродвигателларни белгиланган тартибда электрон савдо платформаларига жойлаштириш. 2. Электрон савдо платформалари орқали электродвигателларни етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш ва улар томонидан электродвигателларни ташкилотларга етказиб берилишини таъминлаш. 3. Харид қилинган электродвигателларни белгиланган тартибда ўрнатиш ишларини амалга ошириш.	Ташкилотлар томонидан янги энерготежамкор электродвигателлар ўрнатилиши натижасида электр энергияси иқтисод қилинади ҳамда экин майдонларга сув етказиб бериш сифати яхшиланади.	Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ишчи гуруҳи	Худудий Насос стансийлари ва энергетика босқажқармалари ҳамда АБМК ФБ, ҚМК ФБ ва Жиззах БНС бошқармалари томонидан маънан эскирган электродвигателларни янгиларига алмаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бошқармалар томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида электродвигателлар электрон савдо платформасидан харид қилиниб 30 та электродвигатель белгиланган тартибда насос станцияларга ўрнатилган.
3.	Вазирлик тизимида бўлган мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 11-иловасига асосан 2 952	1. Худудий мелиоратив экспедициялар ҳисобидаги мелиоратив кузатув қудуқлари учун харид қилинадиган “Diver” қурилмаларини техник топшириққа мувофиқлигини назорат қилиш.	Мелиоратив кузатув қудуқларидаги сизот сув сатҳи ва у билан боғлиқ батафсил маълумотлар автоматлаштирилади ҳамда аниқлилик даражаси оширилади.	Сув ҳўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги,	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарори билан тасдиқланган 2025–2028 йилларга мўлжалланган дастурга кўра, 12 080 та мелиоратив кузатув қудуғида рақамли технологиялар

	та мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимига ўтказиш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.	2. Мелиоратив кузатув қудуқларида ўрнатилган Дайвер қурилмалари фаолиятини такомиллашштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш. 3. Харид қилинадиган “Diver” кузатув қурилмаларининг сув сатҳи ва унинг таркиби бўйича кунлик узатиладиган ахборотни маълумотлар базасига тўғридан-тўғри интеграция қилинишини назорат қилиш.			асосида сув сарфи ҳисоби мониторингини ёлга қўйиш топшириғи берилган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2025–2028 йилларда мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимига ўтказишнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган. Жумладан, 2025 йил учун 2 850 дона режа кўрсаткичлар белгиланган бўлиб ушбу кўрсаткичларнинг бир қисми Мелиоратив экспедицияларнинг йиллик харажатлар сметасида маблағ шакллантириш асосида бўлса, “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги мелиоратив экспедициялари учун 1 503 дона замонавий “Diver” қурилмаларини харид қилиш ишлари амалга оширилди ҳамда Мелиорация объектларини қуриш-реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш дастурлари доираси ҳудудларда 1 411 дона қурилмалар ўрнатилган. 2026 йил учун 2 952 дона “Diver” қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида (455 дона қурилма) Мелиоратив экспедицияларнинг йиллик харажатлар сметаси ҳисобидан маблағлар шакллантирилди. Шунингдек, Фарғона вилоятида (277 дона қурилма) “2-фаза” лойиҳасида қўшимча “Diver” қурилмалари ажратилган. Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025
--	---	--	--	--	--

					йил 13 октябрдаги ПФ-183-сонли Фармонига асосан 2026 йилдан бошлаб рақамлаштириш тадбирлари учун ажратиладиган барча маблағлар Рақамлаштириш маркази орқали молиялаштирилиши кўзда тутилган.
4.	Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш мақсадида Республика бўйлаб сув хўжалиги объектларида 1895 дон рақамли қурилмалар сони – Президент Администрациясининг 2025 йил 30 августдаги 02-1418-сонли топшириғининг 3-банд 2-босқичи	1. Худудий сув хўжалиги ташкилотларида буйруқ асосида ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилиб, мазкур буйруққа асосан сув хўжалиги объектларидаги гидропостларда онлайн сув қузатуви қурилмаси ўрнатиш бўйича 1895 та туманлараро нуқталарни аниқлаш ҳамда далолатномалар расмийлаштириш. 2. Худудий ишчи гуруҳи томонидан мазкур топшириқда белгиланган вазифаларни ижросини ўз муддатларда бажариш мақсадида харид қилинадиган замонавий рақамли қурилмаларни ишлаб чиқилган техник топшириқномаларини тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда давлат хариди ҳужжатларини ишлаб чиқиш шунингдек, ўрнатилган тартибда харид савдосини эълон қилиш. 3. Харид қилинган рақамли қурилмаларни ўрнатиш ва улардан мақсадли фойдалинишни йўлга қўйиш.	Сувга оид ҳисоботларини инсон омилисиз юритиш, маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш ҳамда таҳлилларни автоматлаштириш	Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги, Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази	Усуналарни ўрнатиш ишларининг биринчи босқичида қўплаб гидропостларда техник муаммолар аниқланганлиги сабабли, иккинчи босқичда усуналарнинг техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари “Сувлойиҳа” МЧЖга юклатилди. Мазкур ишларни самарали ташкил этиш мақсадида вазирликнинг 2026 йил 21 февралдаги 05/28-282-сонли топшириғи билан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига МЧЖнинг худудий бўлинмалари томонидан жойларда ўрганиш ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан тегишли топшириқлар юборилди. Ҳозирда 1 895 та онлайн сув ўлчаш қурилмасини ўрнатиш режалаштирилган объектларда жойига чиққан ҳолда дастлабки техник ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Ўрганишлар давомида қурилмаларни ўрнатиш нуқталари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда объектларнинг техник талабларга мувофиқлиги баҳоланмоқда. Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Наманган ва Фарғона вилоятларида жами 601 та қурилма ўрнатиладиган нуқта ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида аниқланган ҳолатлардан келиб

					чикиб, 1 895 та нуқтага қурилмаларни ўрнатиш бўйича лойиҳа концепциясига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.
5.	Сув фонди ерларини кадастр хужжатларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларини амалга оширилишида таъриф нархлари асослантилмаганлик хавфи (ПҚ-73-сон, 30.12.2021 й.).	1. Сув фонди ерларини кадастр хужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларини амалга оширилишида таъриф нархларини ваколатли давлат (“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ, Республика “Аэрогеодезия” маркази, Давлат кадастрлар палатаси) органлари орқали тегишли хулосалар олиш. 2. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хариди тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида ваколатли давлат харидлари порталлари орқали электрон тарзда давлат харидларини амалга оширишни ташкиллаштириш.	Сув хўжалиги сув фонди ерлари белгиланган тартибда тўлиқ кадастр хужжатлари тайёрланади, давлат рўйхатидан ўтказилади, сув хўжалиги ташкилотлари балансига қабул қилинади ва ҳисоби юритилади (сув хўжалиги объектлари ва уларнинг соҳил бўйи минтақалари, дарёлар, сойлар ва қўллар) ҳамда ортиқча асоссиз харажатларга йўл қўйилмайди, бюджет маблағлари тежамкорлик йўли билан самарали сарфланади.	Вазирликнинг Сув ва гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш бошқармаси, Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сонли қарори билан ирригация ва мелиорация объектлари жойлашган ер участкаларини хатловдан ўтказиш ҳамда 2027 йил якунига қадар ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш белгиланган. Мазкур топшириқ ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2026 йил 22 январдаги 10-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, тизим ташкилотларига сув фонди объектларини хатловдан ўтказиш, уларга нисбатан кадастр хужжатларини расмийлаштириш ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилган. Вазирликнинг 2026 йил 7 апрелдаги 01/17-634-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилинган бўлиб, 2026 йилда сув фонди ер майдонларини давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари учун Республика бюджетидан ажратилган 70 млрд. сўм маблағларини маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган тизим ташкилотларига йўналтириш бўйича амалий ёрдам сўралган ва Вазирлар Маҳкамасининг 10 апрелдаги 04/1-3281-сонли хати билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилган.

					Бугунги кунда бюджет маблағлари маҳаллий бюджетга тақсимланди ва сув фонди ер майдонларини хатловдан ўтказиш, кадастр паспортларини расмийлаштириш ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказиш учун шартномалар расмийлаштириш масаласи ўрганилмоқда.
--	--	--	--	--	---